

XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИ ТУРКИСТОНДАГИ ТАРИХ ФАНИ ХУСУСИДА

Жўрабоев Н. Ю.

ТДТрУ доценти

Abstract:	Keywords:
Мақолада чор Россиясининг мустамлакачилиги даврида (XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари) Туркистондаги маданий ҳаёт тарих фани мисолида ёритиб берилган. Унда, асосан, мазкур даврларда маҳаллий тарихчилар томонидан ёзилган тарихий асарларнинг қисқача тафсилотлари, шунингдек, тарих фанига бўлган жамоатчилик фикри келтирилган.	Туркистон, чор Россияси, мустамлакачилик, маданий ҳаёт, тарих, мерос, Скоблев, Кауфман, Аҳмад Дониш, Абдуазим Сомий, Мирза Салимбек, Муҳаммад Юсуф Баёний, Муҳаммад Солих, Мирза Олим Тошкандий, археология, Акрам Асқаров, Абусаид Маҳсум, В.Л.Вяткин, “Ойина”.

Маълумки, илм-фанга қизиқиши аجدодларимизнинг азалий интилиши бўлиб келган. XIX аср охири - XX аср бошларида ҳам бу анъана давом этди. Бу даврга хос илм-фан тараққийсини ижтимоий ва табиий фанларга бўлиб тушинтириш мақсадга мувофиқ. Негаки, илм-фаннинг мазкур даврга хос хусусияти шу икки соҳа ривожда бошқаларга нисбатан кўзга анча яққол ташланади.

Бу ўринда, аввало, шуни айтиш керакки, мустамлакачилар Туркистон ўлкасида илм-фаннинг том маънода тараққий этишидан манфаатдор эмас эдилар. Россия империяси Туркистон халқларини маънавий-маданий жиҳатдан тутқинликка солиш сиёсатини юритганлиги маълум. Бу сиёсат - маҳаллий халқни миллий ва тарихий илдизларидан узиб ташлаш ҳамда маданий меросини йўқ қилишдан иборат узоққа мўлжалланган, аммо аниқ дастурларга асосланган эди. Ўша даврда Туркистон генерал-губернаторлигининг Фарғона вилояти ҳарбий-губернатори бўлиб турган Скоблев шундай деб ёзган эди: **“Миллатни йўқ қилиш учун уни қириш шарт эмас, унинг маданиятини, санътини, тилини йўқ қилсанг бас, тез орада ўзи таназзулга учрайди”**. Ёки Туркистон ўлкасининг генерал-губернатори К.П.Кауфман: **“Маҳаллий мактабларни куч билан, яъни зўравонлик билан йўқ қилиш хавфли бўлса, уларни сезиларли даражада аста-секин йўқ қилиб бориш биз учун шунчалик фойдали ва манфаатлидир”**, - деган эди.

Дарҳақиқат, мустамлакачилар Туркистонда шундай ёвуз қарашларга хос сиёсат ва амалиёт юритдилар. Хусусан, Россия маъмурлари билим ўчоқлари бўлган маҳаллий мактаблар, илм масканлари бўлган мадрасалар ва бошқа мусулмон муассасалари ишларига аралашиб, уларнинг фаолиятини чеклаб бордилар. Бунда рус-тузем мактабларини очиш, рус билим юртларини ташкил этиш, миллий маданий бойликларни талон-тарож қилиш ва умуман, шу асосда ўлкани руслаштириш воситалари орқали миллий педагогик ва анъанавий илм фан илдизларига болта уришга, уни қашшоқлаштиришга интилдилар. Хивани забт этиш, Қўқон хонлигини

тугатиш йилларида маҳаллий илмий меросни ғорат қилиш билан боғлиқ мудир сиёсат амалга оширилди.

Шунга қарамай, ўлкада ижтимоий фанлар, хусусан, тарих илми муайян даражада ривож топди. Унинг ривожига катта ҳисса қўшганлардан бири - олим ва мутафаккир Аҳмад Дониш (1827-1897) эди. У Бухоро амирлик тарихининг билимдони бўлган. Унинг қаламига мансуб “Наводир ул-вақоеъ”, “Бухорои шариф аз амир Дониёл то асри амир Абдулаҳад” каби рисолалари амирлик тарихини ўрганишнинг ноёб манбаларидир.

Аҳмад Донишнинг 16 та қўлёзма асарлари Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институти фондида сақланади. Тарихчи қаламига мансуб “Наводур ул-вақоеъ” асари 23 бобдан иборат бўлиб, унинг 3-боби тарих ҳақидадир. Унда Туркистон тарихига оид қўллаб воқеалар баён қилинган. Олим ўзининг иккинчи рисоласида, бир ёқдан, Амир Темур, Ҳусайн Бойқаро, Абдуллаҳон, Субҳонқулиҳон, Шохмурод, иккинчи тарафдан, Амир Музаффар салтанати мисолида ҳар бир давлатнинг тараққий ва таназзул сабабларини таҳлил қилади, Мовароуннаҳр тарихини ўзига хос равишда даврлаштиришга уринади.

Унинг замондоши бўлган ўлкашунос ва тарихчи олим, амир Музаффархоннинг шахсий котиби бўлган Мирзо Абдуазим Сомий (1839-1908) ҳам бир неча адабий ва тарихий асарлар ёзиб қолдирган. Айниқса, унинг “Тарихи салотини манғития” асари машҳурдир. Асарнинг муҳим томони шундаки, унда Россия томонидан Ўрта Осиёни босиб олиниши арафасидаги Бухоро амирлигининг иқтисодий ва сиёсий аҳволи, Бухоро–Россия муносабатлари анча кенг ёритилган. Шу билан бирга, олимнинг тарихий мавзулардаги “Тухфаи шоҳий”, Даҳмаи шоҳон”(шеърый услубда) каби асарлари ҳам бор.

Мустамлакачилик шароитида илмий ўлкашунослик фаолияти билан тарих фани ривожига сезиларли ҳисса қўшган яна бир бухоролик олим Мирза Салимбек (1848-1930) эди. У амирлик (Сайид Абдулаҳадхон, Сайид Олимхон) ҳузурида хизмат қилган, амирликнинг Туркистон генерел-губернаторлиги қошидаги вакили бўлган. Унинг “Салимийнинг кашкули”, “Гулзорлар мажмуи”, “Тарихи Салимий” каби рисолалари муҳим аҳамиятга эгадир.

Мирза Салимбекнинг сўнгги уч манғит амирлари (Музаффархон - 1860-1885; Абдулаҳадхон - 1885-1910; Олимхон - 1910-1920) ҳукмронлик қилган давр воқеалари баён этилган “Тарихи Салимий” асари амирлик тарихини ўрганишда ноёб манба ҳисобланади. Чунки, муаллиф асардаги воқеаларнинг бевосита ўз кўзи билан кўрган, нафақат кўрган, балки билвосита иштирок ҳам этган. Ана шу маънода асар ғоят ишонарлидир. Саройдаги катта лавозимларда ишлаган Мирза Салимбек, айниқса, амир Сайид Олимхон ҳукмронлигининг сўнгги йилларида юз берган сиёсий воқеаларда фаол иштирок этган. Бу асар қўлёзмаси ҳам Шарқшунослик илмий-текшириш институти фондида сақланади.

Хоразм тарихнавислари Мунис Хоразмий, Огаҳийлар изидан бориб, икки тарихий асар - “Хоразм тарихи”, “Шажарайи Хоразмшоҳий” ни ёзган олим – бу Муҳаммад Юсуф Баёнийдир (1840-1923). У Хива хонлари Сайид Муҳаммадхон, Муҳаммад

=====

Раҳимхон II ва Асфандиёрхон даврларида яшаб ижод этган. М.Ю.Баёний узок йиллар мобайнида хонлик саройида тарихчи, таржимон, шоир ва хаттот бўлиб хизмат қилди. Шу билан бирга Хоразм ва туркман воҳасидан Эрон ҳудудларигача бўлган жойларни яёв кезиб, ўлкани мустамлакачилар томонидан ғорат қилинишига доир манбалар, далиллар тўплади.

Тарихчининг “Хоразм тарихи” асари анъанавий тарихнавислик услубида ёзилган бўлиб, у 15 бобдан иборат бўлган. Аммо унинг 8 та бобигина сақланиб қолган. Асар Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институти фондида сақланади. М.Ю.Баёний ўзининг “Шажараи Хоразмшоҳий” асарида Хива хонлигида 1873-1914 йиллар оралиғида юз берган воқеаларни анча кенг ёритган. У ҳақиқатгўй тарихчи сифатида, айниқса, Хива хонлигининг чор Россияси томонидан шафқатсизларча босиб олиниши ва талон-тарож этилишини атрофлича, содда халқ тилида ёзиб қолдирди. Мазкур асар мазмунан Абулғозихон, Мунис, Огаҳийларнинг хонлик тарихига доир асарларининг мантиқий давоми ҳисобланади.

XIX аср охири - XX аср бошларидаги Туркистон тарихи илмига катта ҳисса қўшган олимлардан бири – Муҳаммад Солиҳдир (1830 - вафот этган йили ноъмалум). У Тошкент, Қўқон, Бухоро мадрасаларида билиб олиб, араб, форс тилларини мукаммал ўрганган, масжидда имомлик ҳам қилган, табобат билан ҳам шуғулланган, лекин уни машҳур қилган соҳа тарих илми бўлди.

У ўлка тарихини ўрганишга 25 йилдан ортиқ вақт сарфлади. Ниҳоят, ўз изланишлари самараси сифатида “Тарихи жадидаи Тошканд” асарини ёзди. Мазкур асарнинг 3 та нусхаси Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институти фондида сақланади. Унинг бир нусхаси (1045 саҳифадан иборат) муаллифнинг ўзи томонида ёзилган қўлёзма нусхадир.

Асарнинг илмий қиймати шундаки, унда Тошкент шаҳри ва вилоятига оид тарихий, жўғрофий маълумотлар изчил берилиб, Тошкентнинг XIX аср қиёфаси шу асар орқали мукаммал очилади.

Унинг маълумотларига кўра, рус босқини арафасида Тошкентда 189 та масжид, 10 мадраса мавжуд бўлган. Асарда Тошкент даҳалари, маҳаллалари, ариқлари, ҳунармандчилиги, суғориш тизими, катта-кичик саноат корхоналари ва шунингдек, шаҳар мудофааси ҳамда унинг чор Россияси томонидан босиб олиниши чуқур ёритилган.

Шунингдек, Тошкентни босиб олинишини ва умуман, Қўқон хонлиги, шунингдек, қисман Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги тарихи ўлкашунос тарихчи Мирза Олим Маҳдумхожи Тошкандийнинг “Тарихи Туркистон” асарида ҳам қаламга олинган. “Тарихи Туркистон”нинг дастлабки қисми 1908-1915 йилларда “Туркистон вилоятининг газети”да босилиб чиққан. 1915 йили чор Россияси томонидан Тошкент шаҳрининг босиб олинганлигининг 50 йиллиги муносабати билан асар Туркистон генерал- губернаторлигига қарашли босмаҳона томонидан тўла ҳолда нашр этилган. Асарнинг ҳозирги замон ўзбек тилидаги табдили 1902 ва 2008 йилларда нашр қилинди.

Муаллиф ўзи таъкидлаганидек, унда чор Россияси босқинидан кейинги 50 йиллик тарих қаламга олинган. Аммо “Тарихи Туркистон” ўлка тарихини яхлит олиб ёзилган

=====

асар эмас. Чунки, унда асосан, Қўкон хонлиги ва Туркистонни губернаторлик бошқаруви даври тарихи ёритилган. Шунга қарамай, асар муаллифнинг ўз кўзи билан кўрган, ўша замон зиёлиларидан сўраб-билган маълумотларга асосланганлиги билан ҳам қимматлидир. Асар сўнгида Мирза Олим Тошкандий **“илми динсиз охират йўли топилмаганидек, маориф ва камолотсиз дунё йўллари ҳам топилмас”** деган ҳақли ҳулосага келади.

Бир сўз билан айтганда, бундай муносабат маҳаллий тарихчилар мустамлакачилик шароитида юз бераётган воқеа-ҳадисларга зийраклик билан муносабатда бўлганликларини кўрсатади.

Маҳаллий зиёлилар ичида тарих билан боғлиқ қадимшунослик - археология соҳасига ҳам ўша йилларда қизиқиш катта бўлганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, рус Археология илмий жамиятига қабул қилинган тошкентлик савдогар Акрам Асқаровнинг тангашунослик соҳасидаги фаолияти бунга яққол мисолдир. У рус Археология илмий жамияти нишони билан тақдирланган, Франция археология жамиятига аъзо қилиб сайланган. Акрам Асқаров томонидан танланган 14 мингдан зиёд нодир олтин, кумуш, мис тангалар ва 200 га яқин осори-атиқалар Петербургдаги Эрмитаждан ўрин олган.

Шайбонийхон мадрасасида мударрислик қилган Абу Саид Маҳсум ҳам илмий аҳамиятга эга буюмларнинг тўпловчиси бўлган. Шу билан бирга, у араб, форс тилларини мукаммал билгани ҳолда, Самарқанддаги Шоҳи Зинда, Гўри Амир ва бошқа тарихий ёдгорликлардаги ўқиш анча қийин бўлган ёзувлардан нусха олиш амалиётини бошлаб берди. Шунингдек, Афросиёбдаги қазилар ишларини бориб кўрди ва амалда Улуғбек расадхонаси ўрнини аниқлашда рус археологи В.Л. Вяткинга қимматли маслаҳатлар берди.

Туркистонда археология билан шуғулланган яна бир олим - Турди Мирғиёсов бўлиб, у Етгисув вилоятида фаолият юритган, Тўқмоқ ҳудудида қазилар ишларини олиб борган. Бу ердаги айрим тарихий ёдгорликлар ночор аҳволда эканлигини ҳам таъкидлайди.

Мазкур даврда Рус Археология бўлимининг Туркистон хаваскор археология тўғараги томонидан бир қатор қазилар ишлари олиб борилганлигини ҳам эътироф этиш керак. Масалан, XIX асрнинг 80-йиллари иккинчи ярмида ушбу тўғарак аъзоларидан Д.К.Зацепин (1876 й.), Н.Пантусов (1877 й.)лар Тошкентдан 80 км. Шарқий йўналишда жойлашган – милонинг I асрлардан то XVIII аср бошларигача мавжуд бўлган Илоқ-Оҳангарон дарёсининг Сирдарёга қуйилишидаги, қадимий тарихий ёдгорликлардан Бинокент, Бинкат, Шохрухия деб аталган шаҳар харобасини бориб кўрганлар ва ўрганишга киришганлар. Шунингдек, Шохрухия шаҳар ёдгорлиги юқорида тилга олинган Туркистон археология хаваскорлар тўғараги аъзоларидан Е.Т.Смиронов ва И.А.Беляевларда ҳам қизиқиш ўйотган бўлса, 1913 йили археолог И.А.Кастанье бу ерга келган.

Тарихчи-археолог В.Л.Вяткин (1868-1932) томонидан XX аср бошларида Афросиёб ва Самарқандда олиб борилган қазув ишлари ҳам диққатга сазовор. У Самарқанд археология музейи асосчиси ҳисобланди (1911 й.). В.Л.Вяткин 1909 йили Улуғбек

расадхонаси ўрнини аниқлаб, Самарқанднинг Кўҳак тепалиги яқинидаги Пойи Расад деган жойида қазув ишларини олиб борган ва расадхонани очиб ўрганган. Бу воқеа ўша вақтларда Туркистон археология тарихида катта воқеа бўлган эди.

Бу ўринда шуни ҳам таъкидлаш керакки, бир қатор рус шарқшунослари ҳам Туркистон тарихи бўйича тадқиқодлар олиб бордилар. Аммо уларнинг провард мақсадлари мустамлакачилик сиёсати билан боғлиқ бўлган. Буни генерал-лейтенант Матциевскийнинг қуйидаги сўзлари ҳам тасдиқлайди: **“...шарқшунослик жамияти Шарқ фани ва манфаати учун эмас, балки маҳаллий аҳолини чор Россиясига сингдириб юбориш, яъни, руслаштириш мақсадида ўзлаштирилиши лозим”**.

Улар томонидан Туркистон тарихига оид ёзма манбалар, қўлёзма китоблар, архив ҳужжатлари, санъатига оид қимматбаҳо буюмлар талон- тарож қилинган. Бу борада шарқшунослар Н.И.Веселовский, А.Л.Кун кабилар, айниқса, жонбозлик кўрсатганлар. Бинобарин, бу масала алоҳида мавзудирким, ҳозир гап бу ҳақда эмас. Мустамлака шароитидаги тарих фани ҳақидаги фикримизга якун ясар эканмиз, XX аср бошларида “Садои Туркистон” газетасида босилган **“Миллий тарихимизни ким ёзар”**, деган бир мақола ёдимизга тушди. Демак, бундан англашиладики, ўша даврда, ҳақиқатан ҳам Туркистон тарихига бағишланган яхлит асар ёзилмаган. **“Бизнинг фикримизча, -деб ёзилади “Ойина” журналнинг 1914 йилги 38-сонидagi “Туркистон тарихи керак” номли бир мақолада, - шундай тарихни ёзмоқлик ниҳоятда қийин бир иш бўлуб, ҳозирда бунинг ийфоси бизнинг қўлимиздан кемайдурғонга ўхшайдур. Шунинг учун бу хизматни, Туркистон тарихи ила ошно бўла бошлаган ёш муаррихимиз, мухтарам Аҳмад Заки Валидий афандининг қалимидин умид этмакдамиз”**. Дарҳақиқат, ўша йилларда Туркистоннинг яхлит тарихини яратиш-ёзиш масаласи маҳаллий зиёлилар ўртасида кенг муҳокама қилинган. “Ойина”нинг 1915 йилги 10-сонида босилган Ҳожи Мўин қаламига мансуб **“Миллий тарих ҳақида”** мақоласида Туркистон тарихини ўрганиш ва ёзиш борасида мутахассислар олдида турган муаммоларга оид 10 та савол ўртага ташланган.

Буларни қайд этишдан мақсад - миллий тарихимизга ва умуман, тарих фанига ўша замонларда ҳам ғоят катта эътибор ва эҳтиёж бўлганлигини яна бир сидра эсга олмоқдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. – Т., “Шарқ”, 2000 й. тарихи.
2. Ж. Раҳимов. Ўзбекистон тарихи. – Т., “Ўқитувчи”, 2000 й.
3. Ж. Исмоилова. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Тошкентнинг “Янги шаҳар” қисми тарихи. – Т., “Фан ва технология”, 2004 й.
4. Т. Мўминов. Туркистон икки аср гирдобиди. – Т., “Фан технология”, 2013 й.
5. Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шохидлиги ва сабоқлари, - Т., “Шарқ”, 2000 й.
6. “Туркистон тарихи керак”. – “Ойина”, 38-сон, 1914 й.
7. Ҳожи Мўин. Миллий тарих ҳақида. – “Ойина”, 10-сон, 1915 й.